

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2022 йил
4 март,
жума
№ 11 (889)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН: МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАР БИР, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР МУШТАРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 март куни давлат ташифи билан Покистонга келди.

Исломобод шаҳридаги аэропортда давлатимиз раҳбарини Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон кутиб олди.

Покистон Бош вазирининг қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хон фахрий қоровул олдидан ўтиб, шохсупага кўтарилди. Ўзбекистон ва Покистоннинг давлат мадҳиялари янгради.

Давлатимиз раҳбари халқларимиз дўстлиги, ҳам

жиҳатлиги рамзи сифатида қароргоҳ боғига кўчат экди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон тор доирада музокара ўтказди.

Покистон Бош вазири давлатимиз раҳбарини ташифи билан қутлаб, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш Покистон учун устувор аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Учрашувда асосий эътибор икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Кейинги йилларда алоқалар анча фаоллашди. Бундан ташқари, икки мамлакатнинг ташқаро вазирлик ва идоралари, ҳудудлар раҳбарлари доимий мулоқотда бўлиб, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширомоқда.

Пандемияга қарамай, барча соҳалардаги алоқалар ривожланмоқда. Хусусан, 2021 йилда ўзаро савдо айланмаси қарийб 50 фоизга ўсди. Жорий йил бошидан яна 70 фоиз ўсиш кузатилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда покистонлик инвесторлар томонидан ташкил этилган 177 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Президентининг ташифи арафасида

Исломободда Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, бизнес-форум, сиёсий маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хоннинг мулоқотида ушбу тадбирларнинг натижалари кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий келишувлар ҳажми аввалги йилларга қараганда ўсгани, шу билан бирга, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги қайд этилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилар экан, томонларнинг позицияси бир хил ёки ўхшаш экани тасдиқланди.

Ўзбекистон ва Покистон халқаро майдонда, жумладан, Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Афғонистонда кун сайин мураккаблашаётган гуманитар ҳолат унинг яқин кўшилари сифатида Ўзбекистон ва Покистонда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Ушбу мамлакатга инсонпарварлик кўмаги кўрсатишга жаҳон ҳамжамияти эътиборини кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Имрон Хон Ўзбекистон Президентини тўхфа қилган Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар лугатини катта мамнуният билан қабул қилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Тошкентда 3 март куни юқори даражадаги "БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги" халқаро конференцияси ўз ишини бошлади.

Минтақавий ҳамкорликнинг ноёб намунаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан БМТнинг Терроризмга қарши кураш божқармаси, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда Европа Иттифоқи, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ минтақалари, Хитой, Россия, АҚШ ва бошқа мамлакатлар таҳлил марказларининг 600 нафардан зиёд юқори мартабали расмийлари, етакчи экспертлари, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этипти.

Кайд этиш жоиз, Тошкент халқаро конференцияси Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлди.

(Давоми 3-бетда) ▶

ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ «БМТ ГЛОБАЛ АКСИЛТЕРРОР СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШМА ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ДОИРАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИГИ» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли делегация раҳбарлари!

Ҳурматли халқаро ташкилотлар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал аксилтеррор стратегиясини Марказий Осиёда амалга оширишга бағишланган, БМТ Аксилтеррор божқармаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро конференцияда қутлайман.

Мазкур форумни ўтказиш ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганлиги учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби жаноб Антониу Гутерришга алоҳида миннатдорчилик билдиришмоқчиман.

ЕХТ Бош қотиби Хельга Шмид хоним, БМТ Бош қотиби ўринбосари жаноб Владимир Воронков, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича Минта-

қавий маркази раҳбари Наталья Герман хонимга ва Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсат идоралари раҳбарларига ушбу муҳим тадбирни ташкиллаштиришдаги ҳамкорлик учун эҳтиромимизни изҳор этаман.

Сизлар конференция ишини қўллаб-қувватлаганингиз умумий хавфсизлик ва барқарорлик йўлида терроризм, бошқа таҳдид ва хатарларга биргаликда қарши туриш масаласида собитликнинг ишончли тасдиғидир.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Бугун биз халқаро муносабатларда низоларнинг кучайиши, мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик даражасининг пасайишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айни дамда дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ўчоқлари сақланиб қолмоқда, қуролли тўқнашувлар давом этмоқда.

Ижтимоий ҳаёт ва иқтисодий фао-

лиятнинг барча жабҳаларига зарар келтирган пандемия БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга ўта салбий таъсир қилмоқда. Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётдаги инқирозли ҳодисалар дунёдаги тенгсизликни кучайтирмоқда, низоларнинг кескинлашуви хавфини жиддий оширмоқда ва шу аснода терроризм фоjarларининг тарқалиши учун қулай муҳит яратмоқда.

Шундай мураккаб шароитларда тобора ортиб бораётган глобал ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларга қарши курашиш йўлида дунё ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан 15 йил муқаддам дунёнинг барча мамлакатлари БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини бир овоздан маъқуллаган эдилар. Ушбу ҳужжат терроризмга қарши курашда **миллий ва халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қара-**

тилган кенг қамровли, умумэтироф этилган илк ҳуқуқий асос бўлди.

2011 йилда Марказий Осиёнинг бешта мамлақати уни рўёбга чиқаришга доир **Қўшма ҳаракатлар режасини** тасдиқлаб, биринчи бўлиб мазкур дастурий ҳужжатни минтақалаштириш бўйича намуна кўрсатдилар.

Ушбу режани амалга ошириш терроризмга қарши курашда умумий тамойиллар ва ёндашувларга доир минтақавий консенсусни мустаҳкамлаш, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорликнинг таъсирчан механизмлари яратиш имконини берди.

Минтақа мамлакатлари терроризмга қарши кураш бўйича ўз миллий тизимларини шакллантирдилар. Мамлакатларнинг БМТ тавсияларига тўлиқ мос келадиган ҳаракатлар стратегиялари ишлаб чиқилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Инсон шаъни ва қадр-қиммати йўлидаги халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг 30 йиллик тарихи ва ишончли истиқболли айни шу тамойилга таянади

Женева шаҳрида 2022 йил 28 февраль — 4 март кунлари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 49-сессияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди.

Сессиянинг Олий даражадаги сегменти мажлисида 2 март куни мамлакатимиз делегацияси раҳбари Ажмал Саидов сўзга чиқди. Бундан ропла-роса 30 йил олдин айни шу санада Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов билан жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот ва мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг жорий ҳолати ҳамда истиқболлари, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 49-сессияси тафсилотлари ҳақида суҳбатлашди.

— Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида инсон ҳуқуқлари мамлакатни сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий модернизация қилиш бўйича амалга ошириладиган ислохотларда марказий ўрин эгаллайди, — деди А.Саидов. — Бинобарин, Ўзбекистон "БМТнинг инсон манфаатлари йўлида саъй-ҳаракатга даъвати"ни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси БМТ билан ҳамкорликнинг устувор йўналишидан бири сифатида кўрилади. Бугун мамлакатимизда демократиянинг замоний ва инсон ҳуқуқлари меъзолига жавоб берадиган барқарор сиёсий тизими барпо этилган. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлар ва барча даражадаги суд ҳокимияти фаол ишламоқда.

Энг муҳими, жамиятимизда Конституцияга ва мамлакат қонунларига ҳурмат туйғуси

(Давоми 2-бетда) ▶



Ашуралӣ ЖЎРАЕВ,
ёзувчи

ОНА САЙЁРАСИ

Бадиа

ОНА!
Бу табаррук сўзни айтиш ёки эшитиш билан юрагимизда беҳосдан чексиз меҳр пайдо бўлади. Ва ҳар сафар вужудимизда онанинг мунис ва меҳрибон сиймоси акс эта бошлайди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Қонун ижодкорлиги

Ташқи меҳнат миграцияси жараёнлари

ушбу соҳа энди алоҳида қонун билан тартибга солинади

Кун кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қабул қилинди. Ушбу қонун ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги муносабатларни янги бошқича кўтариш, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оилаларига жорий қилинган имтиёз ва кафолатлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонунда белгиланаётган нормалар, янгиликлар билан яқиндан танишиш мақсадига парламент куйи палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоларининг фикрлари билан қизиқдик.

— Халқаро миграция ташкилотининг 2022 йилдаги ҳисоботида кўра, дунёда 281



Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

миллион нафар халқаро мигрант мавжуд. Бу дунё аҳолисининг 3,6 фоизини ташкил қилади. Шундан 169 миллион нафари айнан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ўз давлатидан чиқиб кетган шахслардир.

(Давоми 3-бетда) ▶

ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН: МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАР БИР, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАР МУШТАРАК

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Унда ўзбек ва урду тилларидаги 3 мингдан ортқ бир хил маъноли сўзлар жамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва логистика, туризм, маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

— Қадимий Буюк ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ва Покистон халқларини азалдан умумий тарих, ўхшаш тил ва бой маънавий мерос боғлаб туради. Биз бугун бу кўхна анъаналарни қайта тиклаётимиз. Давлатлараро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан мамнунмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари яқин истиқболда ўзаро савдо ҳажмини 500 миллион доллар, келгусида эса 1 миллиард долларга чиқариш имконияти борлигини таъкидлаб, бу борадаги муҳим йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, саноат соҳаларида кооперация дастурини, савдо айланмаси таркибини кенгайтириш бўйича "йўл харитаси"ни биргаликда ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Иккинчи муҳим йўналиш — мамлакатларимиз ва минтақаларимиз ўртасида мультимодал транспорт, юк ва ҳаво ташувлари бўйича ҳамкорликни кучайтириш. Яқинда Транзит ва савдо битими кулжа кирди, мунтазам юк ташувлари учун асос яратилди.

Президентимиз транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлигини яна бир бор таъкидлади.

— "Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўли бизнинг умумий келажагимиздир. Бу йўл битса, Покистонни Марказий Осиё билан боғлайдиган, Ўзбекистонни Карачи, Гвадар ва Қосим портларига олиб чиқаётган энг яқин, арзон ва хавфсиз йўлакни яратамиз. Бу темир йўл минтақаларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборади, — дея таъкидлади Ўзбекистон раҳбари.

Музокарада ушбу лойиҳани янада илгари суриш бўйича келишувга эришилди. Доимий авиақатновларни қайта тиклаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат худудлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ҳам ривожланмоқда. Жумладан, Наманган вилояти ва Панжоб музофоти ишбилармонлари кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Келгусида Сурхондарё вилояти билан Хайбер-Пахтунхва провинцияси ва бошқа худудларда ҳам ана шундай самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Зиёрат туризми — яна бир муҳим йўналиш. Покистонда нақшбандия тарикатининг миллионлаб вакиллари, улуг алломаларимизнинг илосмандлари бор. Қадимий обид ва зиёратгоҳлар, Заҳридин Мухаммад Бобур ва бобурийлар мероси икки халқ учун ҳам қадрли.

Президентимиз зиёратларни тизимли ташкил

этиш мақсадида қўшма гуруҳ тузиш, икки мамлакат Туризм вазирликларининг ваколатхоналарини очишни таклиф қилди.

Учрашувда илм-фан, экология, олий таълим, санъат, кино, спорт соҳаларидаги алоқаларга ҳам эътибор қаратилди.

Хукуматлараро комиссия ҳамраислари, вазирлар эришилган келишув ва келгусидаги режалар ҳақида ахборот берди. Шавкат Мирзиёев ва Имрон Хон уларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаб, тегишли кўрсатмалар берди.

— Ўйлаётганимиз, бугунги очкич ва сермахсул мулоқотларимиз, имзоландиган ҳужжатлар стратегик шерикликнинг янги истиқболли йўналишларини очади. Энг асосийси, биз — икки биродар бир-биримизни яхши тушунамиз. Биз қўйган катта марраларга эришиш учун Хукуматларимиз доимий мулоқотда бўлишлари зарур, — деди Президентимиз.

Музокаралар мамлакатларимизда ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш бўйича катта ҳошиш-ирода ва интилиш борлигини яна бир бор тасдиқлади.

Исломобдаги музокаралар яқинда икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Имрон Хон Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислон Республикаси ўртасида Стратегик шерикликни ривожлантириш бўйича келишув қадамлар тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолалдилар.

Шунингдек, хукуматлар ва идоралар ўртасида имтиёзли савдо тўғрисида, атроф-муҳитни асраш, зиёрат туризми, темир йўл соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида келишувлар, Сурхондарё вилояти билан Хайбер-Пахтунхва провинцияси, Тошкент шаҳри билан Исломобод шаҳри ўртасида шартномалар каби 10 га яқин ҳужжат имзоланди.

Бундан ташқари, ташриф арасида ўтган бизнес-форумда 800 миллион долларлик қўшма савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислон Республикасига давлат ташрифининг биринчи куни таъналари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири ҳар доимгидек очкичлик ва ишонч муҳитида ўтган музокаралар натижаларини мамнуният билан қайд этдилар.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан мулоқотда Покистон халқини яқинлаштириш бўйича келишувларни қайд этдилар. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича бўлажак саъй-ҳаракатларимиз белгилаб олинган. Маънавий илдишлардан куч ва илҳом олаётган алоқаларимиз келгусида ҳам халқларимизнинг орзу-интилишларига ва биз тузаётган катта-катта режаларга ҳам равишда янги марраларга кўтарилади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

— Биз Покистон билан биргаликда нафақат икки

мамлакат, балки стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги мустақам ҳамкорлик кўпригини бунёд этаётимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатларимизда амалга оширилаётган "Янги Ўзбекистон" ва "Най Покистон" дастурларининг муштарак экани ҳам икки мамлакатнинг қараш ва интилишлари бир-бирига уйғунлигини тасдиқламоқда.

Ташриф доирасида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимнинг имзолангани муҳим қадам бўлди.

Фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, банк-молия ва бошқа асосий йўналишларда кооперацияни кенгайтириш юзасидан муҳим келишувларга эришилди.

Томонлар Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустақамлашга қаратилган йирик қўшма транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришга келишиб олдилар.

Покистон ҳудуди орқали халқаро денгиз портларига чиқувчи "Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар" стратегик темир йўлини куриш ишларини яқин муддатларда бошлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

— "Аср лойиҳаси" деб аталаётган "Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўли нафақат мамлакатларимиз, балки кенг минтақаларимиз халқлари умумий равақига ҳисса қўшишига ишонамиз, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасида хавфсизлик, ҳарбий-техник соҳаларида, терроризм, экстремизм ва трансмилийл жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқда.

Маданий-гуманитар соҳа шериклигининг энг муҳим ва истиқболли йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди.

Икки мамлакат фан, санъат, кино, спорт соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш, ёшларга оид дастурларни амалга ошириш таърифиди.

Ўзбекистонда йил сайин урду тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани таъкидланди. Покистондан ҳам Исломобод замонавий тиллар университети, Панжоб ва Пешовар университетлари каби олий таълим муассасалари негизда ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.

— Ташриф давомида салмоқли ҳужжатлар тўпламини, жумладан, Стратегик шерикликни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисида қўшма декларацияни имзолади. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича бўлажак саъй-ҳаракатларимиз белгилаб олинган. Маънавий илдишлардан куч ва илҳом олаётган алоқаларимиз келгусида ҳам халқларимизнинг орзу-интилишларига ва биз тузаётган катта-катта режаларга ҳам равишда янги марраларга кўтарилади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

Уза

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бугунги кунда 2030 йилгача мўлжалланган Кун тартиби доирасида Барқарор тараққиётнинг миллий мақсадларига эришиш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Бунда "ҳеч кимни ортда қолдирмаслик" принципига сўзсиз амал қилинмоқда.

Парламентлараро Иттифок билан ҳамкорликда 2021 йил июнида Бухорода "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик" халқаро форуми ташкил этилди.

Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 49-сессияси минбаридан халқаро жамоатчиликни яна бир бор БМТ Бош Ассамблеясининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида парламентларнинг ролини ошириш тўғрисидаги резолюциясини қабул қилишга доир ташаббусни қўллаб-қувватлашга қачирди.

— **Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида зиммасига олган мажбуриятлари доирасидаги фаолияти ҳақида мухтасар сўзлаб берсангиз?**

— БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 49-сессиясида айтиш мавзуда ҳам сўз юритилди. Хусусан, мамлакатимиз 2021 йилда БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди. Утган йил декабрда "Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти" шафелигида, фуқаролик жамиятининг хотин-қизлар ташкилотлари ва "БМТ-аёллар" тузилмаси иштирокида минтақавий форум ўтказилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Пандемия шароитида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги резолюцияси қабул қилинди. Утган йил августда Тошкентда "Глобал ҳаракатларга ёшларни жалб қилиш" мавзусида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу форумни ўтказишда кўрсатган ёрдами учун БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссарига миннатдорчилик изхор этдик. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Ёшлар ҳуқуқлари масалалари бўйича махсус маърузачиси лавозимини жорий этиш борасидаги Ўзбекистон ташаббуси қўллаб-қувватлангани учун ҳам мамлакатимиз номидан ташаккур билдирдик.

Сўнгги йилларда юртимизда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш соҳасидаги ҳолат тубдан ўзгарди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг роли кучайтирилди. Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий механизм фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик чоралари қўрилди.

БМТнинг фуқаролиги йўқ шахслар сонини қамрайтиришга оид қаҳриғига жаваб, 2020 йилда мамлакатимизда "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги қонун қабул қилинди ва шу асосда қисқа даврда 70 минг нафардан зиёд фуқаролиги йўқ шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сифатида эътироф этилди.

— **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ижроси билан халқаро жамоатчилик эътиборини тортдимиз?**

— Албатта. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши сессиясида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни имкон қадар кенг ёритиб бердик. Жумладан, 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш кон-

цепцияси тасдиқлангани, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги янги қонун қабул қилинган, 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқлангани, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари таълими бутунжаҳон дастурининг тўртинчи босқичи доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида Миллий дастур лойиҳаси ишлаб чиқилгани каби амалий натижаларга эътибор қаратилди.

Бу ўринда Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бош-

декларацияси ва бошқа асосий халқаро шартномалардаги мақсад ва принципларга содиқ бўлиб, ўз зиммасига олган мажбуриятларни оғишмай бажариб келмоқда.

БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Ўзбекистон тенглик, ҳамкорлик, кўптомонламалик ва халқаро сиёсий тизимни ҳимоя қилиш принципларига сўзсиз амал қилишни намойиш этмоқда. Сўнгги вақтларда халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, янги глобал қуролли тўқнашувларнинг олдини олиш, мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни йўлга

Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлидаги халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг 30 йиллик тарихи ва ишончли истиқболли айти шу тамойилга таянади

қармаси билан амалий ҳамкорлик ва мунтазам мулоқотни йўлга қўйганини алоҳида таъкидлаш лозим. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ҳам айнан мазкур Бошқарма билан ҳамкорликда 2020 йил июнида ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Ушбу Миллий стратегия БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталари тасвияларини бажаришни кўзда тутди. Уни қабул қилишда нафақат эксперт доиралар, балки кенг жамоатчилик ва халқаро ташкилотларнинг фикри ҳам инобатга олинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари фаол қатнашмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида бизнес ҳамжамиятининг масъулиятини, жумладан, "Бизнес ва инсон ҳуқуқлари" Миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш йўли орқали кучайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар Бошқармаси билан биргаликда бу йил "Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим" Глобал форумини ўтказиш режалаштирилмоқда. Шу муносабат халқаро жамоатчилик вакиллари ушбу тадбирларда фаол иштирок этишга таклиф қилдик.

— **1992 йил 2 мартда мустақил Ўзбекистон давлати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлганлиги. Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлигининг 30 йиллик тарихига оид фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Бундан 75 йилдан кўпроқ вақт олдин ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳозирги вақтда 193 та давлатни бириктирган. Йирик ва кичик, бой ва камбағал давлатлар, турли сиёсий қараш ва тузилмага эга мамлакатлар БМТ аъзолари бўлиши мумкин, уларнинг барчаси овоз бериш ва овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларига эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, "1945 йилда ташкил этилган бундан буён БМТ халқаро миқёсда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришда марказий мувофиқлаштирувчи роль ўйнайдиган чинакам университет халқаро тузилмага айланди".

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган асосий халқаро ташкилот билан ҳамкорликка катта аҳамият қаратади. Давлатимиз БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

кўйиш, глобал мулоқот, глобал ҳаракатлар ва бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ғояларни фаол илгари сурмоқда.

1993 йил 24 октябрда Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди. Ўзбекистонда БМТнинг ўндан ортқ дастури, фонд ва агентликлари, шу жумладан, БМТ Тараққиёт дастури, Аҳолишунослик фонди (ЮНФПА), Болалар фонди (ЮНИСЕФ), Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастур, Гендер тенглик, Аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича тузилмалари фаолият кўрсатмоқда.

Турли йилларда Ўзбекистонга БМТ бош қотиблари — Кофи Аннан, Пан Ги Мун, 2017 йили — амалдаги Бош қотиб Антониу Гутерриш ташриф буюрган.

Мамлакатимиз БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида унинг мақсад ва ваколатларига қатъий риоя этади, ўз овози ва мақомидан фойдаланиб, БМТ фаолиятининг барча соҳаларига доир ўта муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари суради. Ўзбекистоннинг БМТ ҳузуридида доимий ваколатхоналари Нью-Йорк (АҚШ), Женева (Швейцария) шаҳарларидаги БМТ бўлимлари ҳузурда, бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридида ваколатхонамиз Вена шаҳридаги (Австрия) БМТ бўлимида фаолият кўрсатади.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги сўнгги беш йилда мутлақо янги даражага кўтарилди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида, 2020 йил 25 сентябрда видеоконференция шаклида ташкил этилган 75-юбилей сессиясида, шунингдек, 2021 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46- сессиясида онлайн шаклда ва Бош Ассамблеянинг 76-сессиясида маъруза қилди.

Бу нуфузли раҳманларда давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустақамлаш, таълим, маънавият, экология, туризмни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳалардаги ташаббусларини эълон қилди.

— **Айниқса, мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилган кейинги беш**

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида мамлакатимиз дунёнинг барча мамлакатлари билан манфаатли ҳамкорлик қилишга ва БМТ ҳамда унинг институтлари билан амалий мулоқотга ҳамisha тайёрлиги яна бир бор ўз тасдиғини топган. Шу асосда Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолиги даврида инсон ҳуқуқлари соҳасида энг юксак мезонларга содиқлигини намойён қилишга астойдил интиломоқда.

Ғулум МИРЗО суҳбатлашди.

Йил БМТ билан ҳамкорлик алоқаларимиз учун тубдан янги босқични бошлаб берди. Шундай эмасми?

— Чиндан ҳам, Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги саъй-ҳаракатларининг халқаро эътирофи БМТ Бош Ассамблеяси қатор махсус резолюцияларнинг қабул қилинишида намойён бўлади. Жумладан, қисқа даврда "Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш", "Маърифат ва диний бағри-

ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ «БМТ ГЛОБАЛ АКСИЛТЕРРОР СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШМА ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ДОИРАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИГИ» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу аснода давлатларимиз учун янада тартибли ва самарали мулоқотга киришиш, тажриба ва муҳим маълумотларни алмашиш, аксилтеррор ҳаракатлар салоҳиятини ошириш ҳамда ёлғиз амалга ошириб бўлмайдиган натижаларга биргаликдаги интилишлар орқали эришиш имконияти пайдо бўлди.

Натижада эса бугун кўплай нуфузли халқаро рейтингларда Марказий Осиё дунёнинг энг хавфсиз минтақалари қаторидан ўрин эгалламоқда.

Кейинги йилларда бу ерда фундаментал ижобий ўзгаришлар рўй берди. Минтақа мамлакатлари ўртасида дўстлик, ўзаро манфаат ва ишонч тамойилларига асосланган яхши қўшничилик муносабатлари изчил ривожланмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари мамлакатларимизнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарор тарққиётни таъминлаш бўйича улкан салоҳиятини юзага чиқаришга ёрдам бермоқда.

Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида кўраётган давлатлари афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатмоқда, тинч иқтисодийётни қайта тиклашга ва ушбу мамлакатнинг минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга қўшилишга ҳар томонлама қўмаклашмоқда.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон 14 та асосий универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатни имзолаган бўлиб, халқаро террорчиликка қарши курашиш йўлидаги глобал савий-ҳаракатларда фаол иштирок этмоқда.

Мазкур соҳадаги давлат сиёсати кенг қамровлилик, инклюзивлик ва изчиллик ёндашувларига таянади. Барчамизга маълумки, бундай ёндашув ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари билан бир қаторда превентив ва профилактик чораларни биргаликда олиб боришни, БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясининг асосий йўналишларини рўйбга чиқаришда нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаол қатнашишни назарда тутади.

Бу ишда жамиятда ўзаро аниқлашув муҳитини қарор топтириш ва мулоқотни ривожлантириш, низоларнинг олдини олиш, маънавий-маърифий тарбия, таълимни, шу жумладан, профессионал таълимни илгари суриш, бандликни таъминлаш, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш энг устувор йўналишлар ҳисобланади. Мада-

ниятлараро ва динлараро мулоқот, аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда терроризмга қарши курашишнинг фундаментал асоси, бу — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлашдир. Ишончимиз комилки, терроризмга қарши кураш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бир-бирини инкор этувчи эмас, балки тўлдирувчи ва мустақамловчи мақсадлардир.

Аминанки, бугун сиз Қўшма ҳаракатлар режаси доирасидаги ҳамкорлигимизни ҳар томонлама таҳлил қилишингиз ва уни янги муҳим йўналишлар билан тўлдиршингиз мумкин.

Шу нуктаи назардан, терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш самардорлигини ошириш бўйича қатор ташаббусларни кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Биринчи. Шуниси аниқки, минтақада аксилтеррор стратегияни амалга оширишни муваффақиятли давом эттириш **Қўшма ҳаракатлар режаси ижросининг боришини доимий мониторинг қилиш ва таъқиқий баҳолаш, Марказий Осиё мамлакатларининг ҳам-жиҳатлидаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизмларини кучайтиришни** тақозо этади.

Шу муносабат билан, **минтақамизда БМТ Аксилтеррор бошқармасининг офисини очиб зарурати аллақачон вужудга келган деб ҳисоблаймиз.**

Марказий Осиёда терроризмга қарши курашиш йўлида ўзаро мувофиқлашган ҳамкорликдан максимал даражада уйғун самарга эришиш учун унинг хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланувчи етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан яқин алоқаларини таъминлашни таклиф этамиз.

Иккинчи. Бугун дунёнинг деярли барча мамлакатлари кибермақомадаги терроризм билан бўғунмоқда. Интернет радикал гоёларни тарқатиш, одамларни ёллаш, террорчилик ҳаракатларини молиявий таъминлаш, режалаштириш ва содир этиш воқисасига айланмоқда.

Бундай шароитда давлатларимизнинг терроризм мақсадларида рақамли технологиялардан фойдаланишга қарши самарали курашиш соҳасидаги салоҳиятини ривожлантириш гоётада муҳим аҳамиятга эга.

БМТнинг Аксилтеррор бошқармасини 2020 йилда қабул қилинган Марказий Осиёда ки-

берхавфсизлик ва янги технологиялар бўйича дастурларини бажариш бўйича савий-ҳаракатларни фаоллаштиришга қақриб қоламиз.

Ушбу дастур доирасида кибертерроризм соҳасида тажриба ва маълумотлар, таққиқотлар ва энг яхши тажрибалар алмашинувини ривожлантиришга қаратилган **Марказий Осиёда кибертерроризм бўйича Ягона электрон тизимни** яратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари кибермақонда хавфсизлик таҳдидларнинг трансгеаравий характерга эга эканлиги **ахборот мақонидида экстремизм ва терроризмнинг турли ўринишларига қарши самарали курашиш имконини берувчи ягона халқаро ҳуқуқий механизмларни яратишни тақозо этмоқда.** Бу масала юзасидан мулоқот ташкил этиш ва уни мувофиқлаштиришда БМТ кўмагига умид билдира-

Учинчи. Сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатлари ҳарбий можаролар ҳудудидан 1500 нафардан зиёд ўз фуқароларини ватанга қайтарди, уларни реабилитация ва реинтеграция қилишда ўзига ҳос ёндашувларни ишлаб чиқди.

Шу муносабат билан БМТнинг Аксилтеррор бошқармаси шафелигида Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи мутахассислари ора-синда Минтақавий эксперт кенгаш таъсис этишни таклиф қиламиз. Радикал гоёлар таъсирига тушиб қолган фуқароларни реабилитация ва реинтеграция қилиш дастурларини такомиллаштириш ҳамда мамлакатларимизда терроризм тарғиботига қарши курашиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш кенгашининг асосий вазифаси бўлади.

Тўртинчи. Терроризм ва экстремизмга қарши муваффақиятли курашишнинг энг муҳим шарти самарали ёшларга оид сиёсатдир. БМТнинг Ёшлар стратегиясида қайд этилганидек, ёшларда ўзини бир неча бор оқлайдиган бебаҳо ва гоётада муҳим ресурс мўжассамлашган.

Мамлакатларимиз келажги ёш авлод қандай инсон бўлиб қолмоқчи, қандай таълим ва тарбия олиши, биз улар учун қандай шароитлар ва "ижтимоий лифтлар" яратиш беришимизга боғлиқ.

Шу каби барча масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш учун 2023 йилда Самарқанд шаҳрида, илгари таклиф қилганимиздек, доимий фаолият юритадиган Марказий ва Жанубий Осиё мамла-

катлари Ёшлари кенгашини қақришни таклиф қиламиз. Учрашувлар якуни бўйича мамлакатларимиз ёшлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, ёш авлоднинг ўз иқтидорини намоён қилиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларда экстремизм ва терроризм гоёларига қарши мустақам иммунитетни шакллантириш йўналишларида тажриба алмашишга доир батафсил Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш зарур.

Бешинчи. Хабарингиз бор, БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясида бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, жамиятнинг барча қатламлари иштирокида динлараро ва маданиятлараро мулоқот гоёлари ва тамойилларини илгари суриш муҳим ўрин тутди.

2018 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТнинг Бош Ассамблеяси махсус "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси қабул қилди. Резолюцияда сайёраимизда тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш йўлида саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро англашувни қарор топтириш алоҳида таъкидланган.

Келгуси йилда БМТ шафелигида юқори даражадаги "Маърифат ва диний бағрикенглик" конференциясини ўтказиш ҳамда конференция якунлари бўйича БМТнинг Махсус резолюциясида мустақамлаш бўйича қилган гоёларни илгари суриш йўлида амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олишни таклиф қиламиз.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўлидаги савий-ҳаракатларимиз улар минтақавий ва глобал миқёсда самарали мувофиқлаштириб бориладиганига натижа беради.

Айнан шу сабабли ҳам бугунги форум, қабул қилинажак Тошкент декларацияси ва Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича янгиланган Қўшма ҳаракатлар режаси факулдада муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро конференциянинг барча иштирокчиларига сермақсул фаолият, қизиқарли муҳокама-лар, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлашга қаратилган янги таклиф ва ташаббуслар ишлаб чиқилишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Қонун ижодкорлиги

Ташқи меҳнат миграцияси жараёнлари

ушбу соҳа энди алоҳида қонун билан тартибга солинади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур ҳужжат нафақат фуқароларимизнинг хориждаги меҳнат фаолиятини, балки чет эл фуқаролари ва бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимизда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг ҳам тартибга солади. Қонун 6 та боб, 48 та моддадан иборат бўлиб, алоҳида моддада ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

"Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонунга қўра:

● Мамлакатимиздан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар учун қўлай меҳнат шароитларини яратиш;

● уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кафолатларини таъминлаш;

● ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

● ноқонуний ташқи меҳнат миграциясининг олдини олиш, унга имкон бевручи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

● Мамлакатимиздан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни касбларга ва чет тилларга ўқитиш ҳамда уларга халқаро миқёсда тан олинадиган сертификат бериш каби вазифалар давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Қонундаги энг муҳим янгиланган бири — мамлакатимизга чет эл ишчи кучини жалб этиш ва ундан фойдаланиш шартлари, мамлакатимиз ҳудудидидаги меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир таъқиқомаларни бериш, муддатини узайтириш, амал қилишини тугатиш тартиби белгиланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун мамлакатимизда ташқи меҳнат миграцияси соҳасини янги босқичга кўтариш, меҳнат мигрантларини ҳалқаролиқ оилаларини хуқуқий, моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини йўлга қўйишга жиҳат қилади.

Бундан ташқари фуқароларнинг юборувчи ташкилотдан мамлакатимиздан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, шу жумладан, бўш иш ўринлари, касб ёки мутахассислик талаб этиладиган тури, яшаш ва меҳнат шароитлари, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва шартлари, иш вақтининг давомийлиги, ижтимоий, уй-жой ва маиший таъминот, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги юзага келган тақдирда компенсация олиш тартиби ҳақидаги маълумотларни олиш, юборувчи ташкилотдан мамлакатимиздан ташқарида ишга жойлаштириш бўйича ҳизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бажарилиши ҳақида ахборот олиш ва бошқа ҳуқуқлари белгиланмоқда.



Шерзод ҚУЛМАТОВ,
Қўмита аъзоси

— Ушбу қонунда белги-ланаётган нормалар билан меҳнат мигрантларига бир қатор ижтимоий кафолатлар тақдим этилади. Булар кўп квартиралар уйларида хонадонлар сотиб олиш учун ажратилган кредитлар бўйича бошлангич бадал ва фойзалар тўловининг бир қисмининг ўрнини қоплаш учун субсидиялар бериш, чет тилларга ва касбга ўқитиш учун аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда грантлар бериш, чет тиллар ва касб бўйича малака имтиҳонларини муваффақиятли топтириш, хорижда кетиш учун йўл чиптасини сотиб олиш, чет давлатларда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун ишчи визасини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиш каби имтиёзлардир.

Қонунда хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси томонидан меҳнат мигрантларига кўрсатиладиган ёрдам йўналишлари ҳам тўлиқ акс этган.

Бошқача айтганда, мамлакатимиздан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг оилалари даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, уларнинг ижтимоий-маиший масалаларини ҳал этишга қўмаклашиш, уй-жой шароитларини яхшилаш, меҳнатга лаёқатли оила аъзолари, айниқса, аёлларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг фарзандларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асоси яратилмоқда.




Олтиной МАМИРОВА,
Қўмита аъзоси

— Қонунда мамлакатимиздан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширганга кейин қайтиб келган фуқароларни реинтеграция қилиш, шу жумладан, ишга жойлаштиришга қўмаклашиш, уларнинг касбий малакаси-

ни ошириш, тадбиркорликка жалб этиш чораларини кўриш ҳам назарда тутилмоқда.

Бунда чет эл фуқароларининг бир хил меҳнат учун ҳеч бир камситишларсиз тенг ва қонунда белги-ланган меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда ҳақ, уста-тамалар ва қўшимча тўловлар олиш, хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сўғуртаси билан сўғуртала-ниш, меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги-га чалинганлик ёки соғли-ғига бошқа тарзда шикаст етганлиги муносабати билан ҳаёти ёки соғлиғига ет-казилган зарарнинг ўрни қопланиши, юртимиз ҳу-дудидида доимий яшовчи чет эл фуқаролари учун миллий қонунчиликда ва халқаро шартномаларда белги-ланган тартибда мамлака-тимиз фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш каби меҳнат ҳуқуқлари ка-фолатланмоқда.



Фирдавс ШАРИПОВ,
Қўмита аъзоси

— Сўнгги пайтларда хорижда баъзи шахслар ноқонуний йўллар билан чиқиб кетмоқда, яъни айрим-айрим Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ёки ху-сусий бандлик агентлика-рининг хизматларидан фойдаланмапти.

Ушбу қонунда Ташқи меҳнат миграцияси агент-лигининг ваколатлари тўлиқ белгилаб берилган. Агентлик мамлакатимиз-дан ташқарида вақтинча-лик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича шар-тнома асосида хизматлар кўрсатади.

Мамлакатимиздан таш-қарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уюш-тириш ҳамда ишга жойла-штириш доирасида чиқиб кетаётган фуқароларни касбга тайёрлаш, чет тил-ларга ўқитиш ва улар-нинг чет тилларни би-лишини тест синовидан ўтказишни, касбий би-лимларини таъқиқлаш-ни амалга оширади.

Шу билан бирга, Агент-лик бўш иш ўринларига эга бўлган чет эл иш бев-рувчиларини излайди. Мамлакатимиздан таш-қарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оши-риш истагида бўлган фу-қароларни уюшган ҳолда ишга жойлаштиришда ушбу иш беврувчилар билан ҳамкорлик қилади. Мамла-катимиздан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаоли-ятини амалга оширганга-дан кейин қайтиб келган фуқароларни реинтегра-ция қилишда маҳаллий меҳнат органларига қў-маклашади.

Бундан ташқари Агент-лик фуқароларга ишга жой-лаштириш учун зарур ҳужжат-ларнинг расмийлаштириш, шунингдек, темир йўл ва авиабилетларини сотиб олиш ҳамда бошқа транс-порт-логистика масалала-рини ҳал этишда ҳам қўмаклашади.

Хулоса ўрнида айтади-ган бўлсак, янги қонун хо-рижда меҳнат қилувчи юртдошларимиз, фуқаро-лиги бўлмаган ва чет эл фуқароларининг меҳнат ҳуқуқи ҳимоясини кафо-латлайди.

Давра суҳбатни Б.РАЙИМОВ тайёрлади.

Минтақавий ҳамкорликнинг ноёб намунаси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Сўзга чиққанлар мазкур нуфузли форум бугунги таҳликали, глобал сиёсий, иқтисодий ва бошқа хавф-хатар, тақдидлар авж олаётган бир даврда нечоғли долзарб аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Марказий Осиёнинг беш мамлақати 2011 йилда БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режасини таъқиқлаган. Ўтган давр мобайнида Марказий Осиё минтақавий муҳим муаммоларини, хусусан, терроризм ва экстремизмнинг конструктив ҳал этишда сезиларли ютуқларга эришгани эътироф этилди.

Дарвоқе, мазкур анжуман, БМТ Бош қотиби ўринбосари — Контр-террор бошқармаси раҳбари Владимир Воронков таъкидлаганидек, Марказий Осиё давлатлари томонидан таклиф этилган минтақавий ҳам-

корликнинг ноёб намунаси, бошқа ҳудудларни ҳам шундай қадам ташлашга илҳомлантирган илк минтақавий ҳужжат — "Қўшма ҳаракатлар режаси" амалга оширилишининг ўн йиллигига якун ясади.

Конференциянинг ялпи йиғилиши якунига кўра, Тошкент декларацияси ҳамда минтақадда БМТ ГАТСни амалга оширишнинг ноёб тажрибаси билан танишиш, шунингдек, ўн йиллик ҳисобот, манфаатдор томонлар ўртасидаги маслаҳатлашув ва консенсус асосида тайёрланган Қўшма ҳаракатлар режасининг янги таҳрири тақдим этилди ва таъқиқланди.

Биринчи кун дастурига мувофиқ, анжуман иши секция йиғилишлари билан давом эттирилди.

"Терроризм тарқалишига олиб келувчи шарт-шароитларни бар-тараф этиш" мавзусига бағишланган муҳокамада Марказий Осиёнинг бар-

ча давлатлари стратегик ва минтақалараро таққиқот муассасалари раҳбарлари, ЕИ, БМТ ТД, ЕХХТ мутасаддилари иштирок этди.

Экспертлар минтақадда салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳамкорликни янада мустақамлаш мақсадида қатор таклифларни илгари сурди.

Хусусан, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, радикализм ва радикал мафкура тарафдорларини реабилитация қилиш соҳасида фикрлашиш орқали минтақадда таҳлилий тузилмалар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, ОАВ ва ижтимоий тармоқдан бузғунчи мафкура тарғиботининг асосий омилли сифатида фойдаланиш хавфини камайтириш учун янги технологиялар ва киберхавфсизлик соҳасида тажриба алмашиш зарурлигига эътибор қаратилди. Зеро, Марказий Осиё давлатлари минтақадда терро-ризм ва экстремизм тарққалишига биргаликда

қарши туриш учун улкан салоҳиятга эга.

Иккинчи секция йиғилиши — "Терроризмнинг олдини олиш ва ушбу иллатга қарши курашиш" масаласи бўйича халқаро ташкилотлар, таҳлил марказлари ва қиллари, мустақил таққиқотчилар ўз фикр, мулоҳазаларини билдиришди.

Терроризмнинг моддий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ умумий хавф-хатар, тенденция ва усулларни аниқлашга қаратилган типологик лойиҳалар доирасидаги таққиқот фаолияти таҳлил этилди. Айни жараёнда ҳаракатларни мувофиқлаштириш муҳимлиги қайд этилди. Қақриув ва тақдидларга қарши курашда ҳамкорликни кенгайтириш учун кучли салоҳият мавжудлигини ҳисобга олиб, иштирокчилар БМТ ГАТС мақсадларига эришиш учун келгусида самарали ҳам-корлик қилишга тайёр эканликларини билдир-


ди. Шунингдек, терроризмга қарши курашиш жараёнига оид мафкуравий, ташкилий, ҳуқуқий, психологик ва техник жиҳатлар ҳам кўриб чиқилди.

Анжуманнинг навбатдаги секция йиғилишида икки нуфузли халқаро ташкилот - ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ва ЕХХТ вакиллари таққидмоти намоий этилди.

"БМТ ГАТСни амалга ошириш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари учун Қўшма ҳаракатлар режаси қоидаларини инобатга олган ҳолда, ШХТ мақонидида терроризмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик" ҳамда "Жанговар ҳаракатлар давом этаётган ҳудудлардан қайтарилган аёллар ва болалар билан ишлашда ёш тоифаси ҳамда гендер масаласи" мавзулари муҳокама қилинди.

Халқаро анжуман давом этапти.

Файрат ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири



Нодир ТИЛОВОЛДИЕВ,
Қўмита раиси ўринбосари

— Ушбу қонунда соҳадаги асосий принциплар, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Вазирлар Мақамаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва бошқа ташкилотларнинг ваколатлари белгилаб берилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг мамлакатимиздан ташқаридаги вақтинчалик меҳнат қилиш давридаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилиши билан бир қаторда, уюшган ҳолда ишга жойлаштириш доирасида ёки мустақил тарзда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи ўз аксини топмоқда.

ОНА САЙЁРАСИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Томирларимизда самимият ва яхшилик дарёдай жўш уради. Она, дейиш билан тилимиз ҳам, дилимиз ҳам бекиёс инсоний меҳр-муҳаббатга, эзгуликка тўлиб-тошиб бораверади, бораверади.

Болалигимизда, аниқроғи, эсимизни таний бошлаган кезларда бизга "Онангни яхши кўрасанми ёки отангни яхши кўрасанми?" — деб пайдарпай савол беришарди. Ва табиийки, кўпчилик "онани", деб жавоб беради. Бу асло отани ёмон кўраман, дегани эмас. Аксинча, бу онага бўлган меҳр-муҳаббатнинг юксак рамзи, онага бўлган самимиятнинг бебаҳо изҳори эканлигини оталаримиз ҳам тушунади. Оналаримизни яхши кўришимиз, ардоқлашимиз ва ҳурмат қилишимиз оталаримизга ҳеч маҳал оғир ботмайди. Чунки оталаримизнинг ҳам оналари бор. Улар ҳам ўз оналарини биздай қадрлаб, биздай яхши кўриб, биз каби ҳурмат қилишга ишонамиз. Онани эъзозлаш, қадр-қимматини ўрнига қўйиб, бошга тож каби кўтариш бизларга отабоблардан мерос. Машҳур кўшиқда айтилганидек: "Бу оламда улуг зот ким десанг, доим онам дерман".

Она улуг зот бўлиш билан бирга ўзида ҳайратли мўъжизаларни мўжассам этган сир-синоатларга бой хилқатдир. Масалан, гўдак чинқариб йиғлапти. Уни атрофидагилар қанча ҳаракат қилмасан тинчлантиролмапти. Бола на алдовга, на дўққа кўнади. Юмушлардан бўшаган онаси уни дарҳол бағрига босади. Гўдак она исини олиши билан тинчиди. Яна бир ҳолат: бола касал, иссиғи баланд, бир аҳволда ётибди. Унга докторнинг дори-дармонлари ҳам унчалик кор қилмапти. Шунда она алаҳсираётган фарзандининг пешонасига меҳр билан ҳароратли кафтини қўяди. Бир пастанд сўнг бола ором ола бошлади. Она билан боғлиқ бундай ҳайратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Она шу қадар улуг ва қудратли зотики, у кўзга кўринмас улкан куч билан, меҳр-муҳаббат билан фақат фарзанд-



ларини, яқинларини эмас, балки бутун бошли инсониятни бағрига босиб, дардига дармон бўла олади.

Она ҳамиша ўзида бекиёс куч-қудрат топаоладиган ноёб қудрат эгаси. Яна бир гап: жафокаш тарих саҳифаларидан яхши биламизки, оналар энг оғир ва қийин даврларда ҳам, қатогон ва қаҳатчилик йилларида ҳам метин иродали ва меҳрибон, жасоратли ва самимий, доврак ва меҳнаткаш бўлиб, аввало, жонидан ҳам азиз фарзандларини, туғилиб ўсган Ватанини асраб қолиш учун ҳаётини фидо қилишдан асло қайтмаган. Оналар қатагонлардан кўркамгаганлар, туҳматлардан асло чўчимаган. Фарзандлар эса, оналарнинг жасорати ва мардона нигоҳларидан куч-қувват олган, ботирилган... Бундай улуг оналар хотираси олдида бош эгиб, уларнинг руҳларига ҳамиша дуолар қилиш инсоний бурчимиздир.

Одам боласи она туфайли бу ёруғ жаҳонни кўриш бахтига муяссар ва мушарраф бўлади. Она туфайли бу ҳаётнинг барча лаззатларидан баҳраманд бўлади. Она туфайли дунёнинг завқ-шавқига, қувончларига кўмилиб юради. Она туфайли бахт-иқболга

эришади. Она туфайли умрини яхшиликларга, эзгуликларга, фидойи ишларга сафарбар этади. Она туфайли умрини яхши ва эзгу амаллар билан безайди. Ҳар бир фарзанд — хоҳ у ўғил бўлсин, хоҳ у қиз бўлсин — энг аввало, онасини рози қилишга интилади. Онаси олдидаги қарзни узишни шарафли бурчи, деб билади.

Она бахти — фарзандлар бахти, оила бахти, жамият бахти. Она бу бебаҳо бахтни ҳеч кимга, ҳеч нимага алоҳия қилмайди.

Баъзан онаси умри узоқ ва метиндай мустақам дарахтларга қиёслашади. Ёки она иродасини улкан тоғларга, она меҳрини дарёлари-у уммонларга ўхшатишади. Бу ўхшатишларнинг барчаси ҳақиқат. Гўё энг ёши улуг дарахтлар ҳам оналар умрига тақлид қилади. Тоғлар ҳам аслида ўз иродаларини оналарга қараб чамаляйди. Дарё-ю денгизлар меҳр-муҳаббатда оналарга тенг келиш-келмаслиги ҳақида баҳс юритади.

Табиат оналар билан ҳисоблашади, оналар билан маслаҳатлашади, оналар билан бирга қадам ташлайди. Ҳатто табиат ҳам онаизорга озор бер-

гиси келмайди. Табиат меҳр кўрсатишда, меҳрибон бўлишда оналардан ибрат олади. Шу боис уни она-табиат деймиз.

Дунёда қанча миллат бўлса, унинг шунча онаси бор. Ҳар бир миллат фарзанди ўз онасини яхши кўрмаслиги, қадрламаслиги ва ҳурмат қилмаслиги асло мумкин эмас. Она Африкада ҳам, Америка ва Ҳиндистонда ҳам, Осиё, Европа ва Антарктидада ҳам она. Она улуг ва бебаҳо зот сифатида ҳар жойда, ҳар мамлакат ва миллатда бекиёс даражада эъзозланади. Ранг-рўйи, урф-одати, турмуш тарзидан қатъи назар, она улуг зотлигига қолади. Жумладан, биз — ўзбекларда ҳам. Онамиз, онажонимиз, порлаб турган қуёшимиз, тўлин ойимиз, чарақлаб турган юлдузимиз. У бизнинг — жонажонимиз...

Миллатнинг улуглиги — онанинг улуглиги билан белгиланади. Онага бўлган эҳтиром — миллатга бўлган эҳтиромдир. Миллат комиллиги — она комиллиги билан ўлланади.

Ўзбек онаси ҳамиша меҳнаткашлиги, меҳнатсеварлиги ва заҳматкашлиги билан бошқа миллат оналарига ибрат бўлиб келаётди. Ўзбек онаси меҳнат олдида тиз чўкмайди, аксинча, меҳнат устидан ҳамиша ғолиб келади. Меҳнат ундан чекинади. Она ҳар қандай меҳнат ва юмушни эзгуликка айлантиради. Меҳнатга саховат бағишлайди. Онанинг ҳаракатида баракат бор, саховат бор.

Она аслида ўз улуглик кўламининг чегарасизлиги, меҳр оламининг бекиёслиги ва ҳадсизлиги билан сайёрага ўхшайди. Она коинот мисол инсоний фазилатлари, тинчлик, эзгулик, бағрикенглик, меҳр-муҳаббат рамзи сифатида одамзодни доимо бағрига меҳр билан босиб туради. Она ер шарини бало-қазолардан, ёмонлик ва ёвузликлардан асровчи буюк жасорат тисолидир. Она — буюк сайёра... Ҳар биримиз ана шу сайёрага мудом тапминамиз ва ҳамиша унинг атрофида парвонамиз. Она сайёрасидан наҳот кутиб яшаймиз.

Мангу бор бўл, мангу боқий бўл, наҳоткоримиз — Она сайёраси!..

Ўзбекистондаги фактлар

Тоза ичимлик суви — ер юзиде инсоният кун кўриши учун энг зарурий шартлардан бири. Суви иккита водород, битта кислород атомидан ташкил топган бўлса-да, олимлар ҳануз уни охиригача ўрганиб улгуришмаган. Қуйидаги маълумотлар сувнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.

СУВНИНГ МЎЪЖИЗАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



Сув ер юзидеги ҳар бир тирик жонзот учун энг муҳим ҳаёт манбаи ҳисобланади. Ҳаёт учун фақат ҳавогагина сувдан ортиқроқ туради.

Сувсиз одам атиги уч-тўрт кун яшай олади. Овқатсиз эса, уч ойгача яшаш мумкин.

Агар денгиз ва океанлар бўлмаса, ер юзиде ҳаёт бўлмасди. Илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, бир куб сантиметр денгиз суви таркибида бир ярим граммгача оқсил ва кўплаб минераллар мавжуд.

Олимларнинг аниқлашича, энг тоза сув манбалари Финландияда жойлашган.

Ер юзининг етмиш фоиз қисми суви болан қопланганга қарамай, бу сувнинг уч фоизигина ичишга яроқли.

Тинч океанида ер юзидеги жами сувнинг 46, Атлантик океанда 23, Ҳинд океанида 20, Шимолий муз океанида 4 фоизи сақланади.

Сув ўз хотирасига эга. У атрофидаги барча маълумотларни ёзиб олади.

Дунёдаги бир миллиард нафар одам тоза суви ичиш имкониятига эга эмас. Ернинг ҳар олтинчи аҳолиси камида бир марта тўйиб суви ичишни орзу қилади.

Кейинги 50 йил ичида дунё бўйлаб сувдан фойдаланиш бўйича 507 та можа ро содир бўлган, уларнинг 21 нафари ҳарбий ҳаракатлар билан якунланган.

Антарктидада гаройиб кўл бор. Унинг суви денгиз сувидан ўн бир марта шўр. Бу сув 50 даражадаги совуқда ҳам музламайди.

Ҳисоб-китобларга кўра, сув суёқ ҳолатда ерда бундан 4 миллиард йил олдин пайдо бўлган экан.

Кайноқ сув совуқ сувга нисбатан тезроқ музлайди.

Дунёдаги ичимлик сувини ўзида мужассам этган энг йирик сув ҳавзаси Россияда жойлашган Байкал кўлидир.

Кўш атмосферасида суви буғ ҳолатда сақланади.

Ердаги энг совуқ музлик Антарктидада, энг илиқ музлик эса Алп тоғларида жойлашган. Алпдаги музликнинг ҳарорати Целсий жадвали бўйича нол даражага тенг.

Олимларнинг тахминича, 20 йилдан кейин чучук сувга бўлган талаб ҳажми ҳозиргидан уч қаррага ортиши мумкин.

Интернет материаллари асосида Ҳумоюн Мирзо тайёрлади.



Марғилон шаҳридаги

қурилиш материаллари бозорига автомашинасида юк ташин билан шуғуланувчи Ниёзмат Ўрмонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўтган йил 15 июнь кун эртаб одамгадех ишга жўнади. Аммо у шу кун уйига қайтиб келмади...

Қувасой шаҳрида яшовчи Б.Мамаюновга уйдаги қурилиш учун темир керак бўлиб қолди. Марғилон шаҳридаги қурилиш материаллари бозорига бориб, сотувчи М.Шамсуддиновдан 440 метр темир маҳсулотларини 13.460.000 сўмга насияга сотиб олди.

— Пулингизни маҳсулотни уйимга олиб борган машинадан бериб юбораман, — дея у сотувчини ишонтирди. — Ҳозирча 100 АҚШ доллари олиб туринг...

Сўнгра юк ташувчи Ниёзмат Ўрмонов билан юкни Қувасой шаҳрига 250.000 сўмга олиб бориб беришга келишиб, унга телефон рақамини қолдирди.

Жиноят ва жазо

Қабиҳ режа

беғуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлди



Н.Ўрмонов Қувасойга етиб боргач, Б.Мамаюновга телефон қилиб, уйининг манзилни сўради.

— Чек қишлоғига келинг. Мен юкни тушириб олиш учун одам юбораман, — деб жавоб берди Б.Мамаюнов.

Сўхбат асносида ҳайдовчи шоғирди Ином Сапаров билан бирга келгани маълум бўлди.

Бир кун олдин Б.Мамаюнов сувга етмаган Комил Абдутолипов ва Шаҳриёр Жумаевни ҳам ўз жиноятига шерик сифатида жалб қилиб, уларни "пишитиб" қўйган экан. Н.Ўрмонов кўнгирак қилган маҳал у Саммад, Комил ва Шаҳриёрга ўз вазифарини уқтираётган эди.

Б.Мамаюнов гўшакни қўйгач, К.Абдутолипов ва Ш.Жумаев унинг кўрсатмаси билан такси ёллаб, ҳайдовчининг ёнига етиб боришди. Сўнгра юк ортилган ав-

томашинанинг орқа ўриндиғига ўтириб, уни аҳоли яшаш манзилдан четроқда жойлашган қир-адирлик томонига бошлаб боришди. Жиноий режага асосан ўша пайт Б.Мамаюнов уларга телефон қилади. Уларнинг қаерда туришганини билиб олгач, Саммад билан "Дамас" русумли автомашинада етиб келади. Шунда автомашинанинг орқа ўриндиғида ўтирган К.Абдутолипов ва Ш.Жумаев тўсатдан Н.Ўрмонов ҳамда И.Сапаровга ҳужум қилишади. Улар Б.Мамаюнов берган арқон билан Н.Ўрмоновнинг бўйнидан бўғиб, ўта шафқатсизлик билан танасининг дуч келган жойига уриб-тегиб, ҳаёти учун хавфли бўлган оғир шикаст етказишади. Бу вақтда С.Бойзоқов "Дамас" автомашинасини кўндалан ҳолатда тўхтатиб, воқеани бегона шахслар кўрмаслиги учун тўсиб қўяди. Ўзи эса, ён-атрофни кузатиб туради.

Орадан кўп фурсат ўтмай оғир жароҳат олган Н.Ўрмонов ҳаётдан кўз юмади. Қотиллар уни автомашина ўриндиғига боғлаб қўйишади. Сўнгра воёга етмаган И.Сапаровни ҳам ўлдирish мақсадида ўта шафқатсизлик билан бўйнидан бўғиб, қўл-оёқлари, қузи ва оғзини боғлаб, автомашина юкхонасига солишади.

Қабиҳ ниятига эришган Б.Мамаюнов темир маҳсулотларини қариндоши З.Мамаюновнинг уйига жўнатади. Жиноят иларини яшириш мақсадида Н.Ўрмоновнинг автомашинасини ювиб, уни Тошлоқ туманидаги "Абдулхамид ота" фермер хўжалиги дала майдонига ҳайдаб боради. Ўша ерда автомашинани қолдириб кетмоқчи бўлганида Ином Сапаровнинг нафас олаётганини сезиб қолади ва уни ўлдирish мақсадида яна бўғади. Натижада И.Сапаров хушидан кетиб қола-

ди. Б.Мамаюнов суви ўлган деб ўйлаб, хотиржам ҳолда уйига кетади.

Бахтли тасодиф туфайли Ином Сапаров тирик қолади. У хушига келгач, бир амаллаб оёқ-қўлини арқондан бўшатади ва содир этилган жиноят ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага хабар беради.

Шундан сўнг қотиллар қўлга олиниб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Яқинда жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани суди қотилларни Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбдор деб топиб, уларга узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Бундан ташқари суд ҳукмида жабрланувчиларнинг қонуний вакилларига маънавий зарарини ундириб бериш ҳам белгилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, муқаддам Б.Мамаюнов Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми, С.Бойзоқов 105-моддаси 1-қисмига таалуқли жиноятларни содир этишган. Бироқ уларга нисбатан кечиримлилик ва бағрикенглик тамойиллари тадбиқ этилиб, ҳаётда тўғри йўлни топиб олишлари учун имкон берилган. Афсуски, улар бунинг қадрига етишмади. Бунинг ўрнига воёга етмаган К.Абдутолипов ва Ш.Жумаевни ҳам мудҳиш жиноятга шерик қилишди.

Эндиликда улар содир этган жинояти бадалини панжара ортида тўлашади.

БЕҲЗОД ЭРҒАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани суди раиси

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икром МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-315 Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 7356
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 2200. Топширилди: 400.